


“Тасдиқлайман”
“Qashqadaryo viloyati
teleradiokanali” DM
директори Ж.Тўйчиев
10 июль 2025 йил

**“Қашқадарё вилояти телерадиоканали” ДМ йиғилиш
БАЁНИ № 8**

Қарши шахри

10 июль 2025 йил

Раислик қилувчи:

Ж.Тўйчиев

Иштирок этганлар: Вилоят прокуратураси маъсул ходими Баҳром
Бозоров, директор ўринбосари, ТРК бўлим бошлиқлари

(Б.Эргашев, Б. Зиёдуллаев, У.Хайдаров, Х. Илёсов, Л.Хайдарова, А. Қурбонов, Ж.Қиличов, Ж.
Ҳамраев мухбир ва ходимлар)

Кун тартибида:

1. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда коррупцияга оид ҳолатларни олдини олиш, аҳолининг кенг қатламига оммавий ахборот воситалари орқали ушбу Қонун мазмуун моҳияти тушунтириш ва етказиш.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан дастлаб сўз олган “Қашқадарё вилоят телерадиоканал” директори Ж.Тўйчиев йиғилиш иштирокчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган долзарб ислохотларнинг, чунончи Коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган топшириқ ва вазифаларнинг омма орасига тўғри ва тўлақонли оммавий ахборот воситалари орқали етказилиши тўғрисида сўзлади ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуннинг мазмун моҳияти ва ундаги киритилган янгилик ва ўзгаришларни, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ишларни йиғилиш қатнашчиларига етказиш ва тушунтириш учун сўз навбатини Қашқадарё вилоят Прокуратурасидан таклиф этилган маъсул ходими – Баҳром Бозоровни таништирди.

Шундан сўнг прокуратура маъсул ходими – Б.Бозоров сўзга чиқиб, Коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиб улгурганлиги, сўнгги йилларда ҳар бир соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупцияни олдини олишга қаратилган маъмурий ислохотлар, жумладан, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишда Ўзбекистон ислохотларининг асосий ҳужжати ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти ҳақида айтиб ўтилди. Йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги қонуни тўғрисида қисқача

тўхталиб ўтди. Унга кўра коррупция ва коррупция ҳолатини юзага келтирадиган манфаатлар тўқнашуви тушунчаларига изоҳ бериб ўтди:

коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

манфаатлар тўқнашуви — шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида карама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият эканлиги ва ушбу қонуннинг асосий принциплари (4-модда) тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтилди, яъни

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

очиқлик ва шаффофлик;

тизимлилик;

давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;

коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг мукаддаслиги тушунтирилди. Хусусан, Фирибгарлик бўйича энг юқори санкция 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазолари қўлланилиши мумкинлиги ҳақида айтиб ўтилди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар ҳақида тушунча берилди.

Шунингдек, Инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича бош мутахассис - А.Қўрбанов сўзга чиқиб ташкилотдаги бўш (вакант) иш ўринларига ишга қабул қилиш тўғрисидаги маълумотлар шаффоф ҳолда ЯММТ сайти орқали эълон берилиб, номзодлар кўриб чиқилиши ва тавсия этилган номзодлар ўз навбатида Ўзбекистон МТРК суҳбати асосида ишга қабул қилиниши ҳақида айтиб ўтди.

Сўз якунида, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида эканлиги, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган тадбирларни ҳар ойда камида 2 марта доимий ёритиб борилиши тўғрисида таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш қарор қилади:

1) Барча раҳбар ва ходимлар томонидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига қатъий риоя қилинсин ва унинг ижроси доимий таъминлансин:

2) Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик юзасидан семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиш орқали манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилсин. (Л.Ҳайдарова, Х.Илёсов);

3) Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий манфаатини юксалтиришга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга, фуқароларнинг қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасизлик муносабатини сингдиришга қаратилган тарғибот тадбирлари тўғрисида кўрсатув ва эшиттиришларни оммага доимий равишда тақдим этиб борилсин.
(Б.Эргашев,Л.Ҳайдарова, Х.Илёсов);

Йиғилиш баёнини тузувчи:

Девонхона ва мурожаатлар билан
ишлаш сектори мутахассиси:



Муртазаева М.